

Африкадаги энг катта масжид



17:00 / 05.03.2021 2651

Марокашнинг энг машхур масканидан бири бу — Ҳасан II масжиди ҳисобланади. Iqna манбасининг ҳисоботига кўра, масжид мамлакатнинг ўзига хос рамзи сифатида қуриб битказилган. Ушбу масжид Масжидул-Ҳарам ва Масжидун-Набавиядан кейин Африкадаги энг катта ва дунёда учинчи ўринда турувчи масжиддир.

Масжидни қуриш ғояси 1961 йилда мамлакатни бошқарган қирол II чига тақдим этилган. Ҳасан II масжидининг қурилиш ишлари 1980 йилда бошланган. Масжид француз меъмори Мишел Пинсе томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, қурилиш қиймати 800 миллион долларга баҳоланган ва иқтисодий ҳолатнинг муҳим қисмини халқ кўмаги остида тўланган.

Ҳозирда Ҳасан II масжидида ибодатлар тўла тўқис адо этилмоқда. Зиёратчилар ва меҳмонлар, муҳташам масжиднинг ноёб меъморчилигини

яқиндан кузатишлари учун кунига бир неча маротаба ташриф буюришлари мумкин.

Масжид қурилишига барча материаллар Марокаш ва Венециядан олиб келинган. Хусусан, оқ гранит устунлар ва шиша қандиллар шулар жумласидандир.

Ҳасан II масжидининг деворлари бетон ва мрамардан ишланган, ички ҳовли мрамар устунлар билан безатилган, гумбаз ёғочдан ўйилган, ички деворлари эса ажойиб шива билан безатилган. Марокаш меъморчилиги ва санъатига қизиққан кишилар ушбу масжидга ташриф буюрган зиёратчи кўриб гувоҳи бўлиши мумкин.

Масжидининг яна ўзига хос хусусиятларидан бири унинг жойлашган манзили бўлиб, у Атлантика океанига қараган майдончада қурилган ва бу платформанинг бир қисми ойналар ёрдамида беркитилган. Чунки сайёҳларга сув остида юрган жонзотларни кўришлари учун қулай шароит яратиб берилган. Аммо ушбу ажойиб бўлим фақат ҳурматли меҳмонлар фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Шунингдек, масжиднинг шифтини буклаш ва кенгайтириш мумкин. Ушбу том масжид ичида осмон ва океанни бирлаштиради.

Энг ажойиби, масжиднинг 210 метрлик минораси нафақат Марокашда балки дунёдаги энг баланд минорага эга бўлиб, тунда лазер нурлари минора тепасидан Макка томон порлайди, бу қибланинг йўналишини билдиради. Бино зилзилага чидамли, иссиқ пол, электрон эшикларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Масжид орқасида ибодат жойи қизил гиламча билан белгиланган. Масжиднинг пастки қаватида турк ҳаммомлари ва таҳорат фавворалари, совуқ сув ҳавзалари ҳамда сауна мавжуд. Масжидда бир вақтнинг ўзида жами 105000 киши ибодат қилиши мумкин.

Хуршид Маъруф тайёрлади